



# Очига

ижтимоий-маърифий  
журнал

# «Омна»

электрон журнали

**Бадийи раҳбар:**

Одинахон МУҲАММАД СОДИҚ

**Ҳайъат аъзолари:**

Барно САИДРАҲМОН

Мадина ДЖУРАЕВА

Зарнигор АҲМАДАЛИЕВА

Гулшода АЛЛОҚУЛОВА

Муҳайё МУҲАММАД ЮСУФ

Азиза ЖАЛОЛИДДИНОВА

Дилдора ҚУРБОНОВА

**Муҳаррир:**

Зуҳрахон ҲАМДАМОВА

**Дизайнер:**

Рухсора АЗИЗОВА

Электрон манзил:  
[muslimaat@islom.uz](mailto:muslimaat@islom.uz)



# Аёл киши масъулдир

Абдуллоҳ ибн Умардан ривоят қилинади:  
 «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:  
 «Барчангиз масъулдирсиз ва масъулиятингиздан сўралурсиз. Имом масъулдир. У ўз масъулиятидан сўралур. Эр киши ўз аҳлида масъулдир. Аёл киши ўз эрининг уйида масъулдир. Ходим ўз хожаси молида масъулдир», дедилар».



**Шарҳ:** Ушбу ҳадисдан шариатимизда аёл кишининг оиласидаги мажбуриятлари, охиратда сўраладиган нарсалари ҳам кўрсатиб ўтилганини билиб оламиз.

Исломий оиласининг бекалиги улкан шараф бўлиши билан бирга улкан масъулият ҳамдир. Оиласининг ҳамма ички ишлари шу оила бекасининг қўлида, ихтиёрида бўлади.

Оиласининг иқтисоди бекасининг тежамкорлигига ва ўзига ишониб топширилган иқтисодий воситаларга хиёнат қилмаслигига ҳамда исроф этмаслигига боғлиқ бўлади. Энг улкан масъулиятлардан бири бола-

ларни дунёга келтириб, парваришлаб, тарбиялашдир. Бу масъулиятни муслима аёллар доимо шараф билан адо этиб келишган.

Хулоса қилиб айтганда, муслима аёлнинг оиласидаги масъулияти бекиёсдир. Эрнинг ишлари муваффақиятли бўлишида аёлнинг ўрнини ҳеч ким инкор қила олмайди. «Эрни эр қилган ҳам хотин, қаро ер қилган ҳам хотин», деб бежиз айтилмаган. Гап ҳар бир муслима аёл ўз масъулиятини тўла тушуниб етишида қолган, холос.

«Одоблар хазинаси»  
китобидан олинди.

# Аллоҳ таолонинг ҲАЙЙ сифати

«Ҳайй» – «тирик» демақдир. Бунинг аксига «маййит» дейиладики, бу «ўлик» дегани (Асмоул ҳуснадан).



**М**ахлуқотлар ичида ҳаёт соҳиби бўлганлар (яъни тирик махлуқотлар) бошқаларига қараганда қиймати жуда каттадир. Чунки ҳаёт соҳиби бўлган ҳар бир махлуқ билим ва фаолият манбаси ҳисобланади. Билим ва фаолият эса ҳаётнинг асоратларидир. Фақат бу асоратлар барча тирик жонзотларда бир хил бўлмайди. Мисол учун ўсимликларда кўрилган ҳаёт ибтидоий ва соддадир. Ҳайвонлардаги ҳаёт улардан анча устун бўлиб, уларда туйғу ҳам бор. Улар кўради, эшитади, шу билан бирга истаган жойига боради, ётадилар, турадилар. Шунинг учун ҳам улар ўсимликларга ҳокимдир: уларни ейди, юлади, пайҳон қиласди.

Инсонга ато қилинган ҳаёт ҳаммасидан-да юксакдир. У фикрлайди, текширади, таққослайди, кашф қиласди.

Ҳақиқий ҳаёт эса Аллоҳ таолоға хосдир. Аллоҳнинг ҳаёти абадий, ўлим илиа йўқ бўлмас. Шунингдек, Аллоҳнинг ҳаёти азалийдир, қачондир йўқ бўлган эмас. Ягона Аллоҳнинг тириклиги Ўзигагина хос алоҳида ҳаёт бўлиб, бандалар ҳаётига ўхшаш бошқа масдардан берилмаган. Бу ҳаёт азалий ва абадийдир. Бошлиниш чегараси ҳам, тугаш чегараси ҳам йўқ. Аллоҳнинг тириклиги ҳеч бир жиҳатдан бандаларнинг ҳаётига ўхшамайди.

## Ҳаёт – Аллоҳ таолонинг маънавий сифатларидан

Аллоҳ таолонинг зоти азалдан қоим бир сифат бўлиб, у бошқа сифатларнинг сабит бўлишига олиб боради. Агар ҳаёт сифати сабит бўлмагандан Аллоҳ таолонинг бошқа сифатлари ҳам сабит бўлмас эди. Аллоҳ таолонинг ҳаёти комилдир. Ундан комилроғи йўқ. Унга йўқлик ориз бўлмас. Унинг тугаши ёки фоний бўлиши ҳақида ҳукм қилиб бўлмайди. Ҳаёт сифати ҳам Аллоҳ таолонинг бошқа сифатларига ўхшашдир. Унинг ҳақиқатини билиб бўлмайди. Биз унинг кайфияти ҳақида баҳс юритмай, иймон келтираверамиз.

## Ҳай – Қуръони Каримда

Ҳаёт сифатига Қуръони Каримда бир неча далиллар келган.

Аллоҳ таоло Тоҳа сурасида бундай марҳамат қиласиди:

وَعَنْتِ الْوُجُوهُ لِلْحَيِّ الْقَيُّومِ وَقَدْ خَابَ مَنْ حَمَلَ ظُلْمًا

**«Бутун юзлар тирик ва доим турувчи Зотга бош эгмиш. Батаҳқиқ, ким зулм кўтарган бўлса, ноумид бўлмиш»** (111-оят).

Қиёмат кунида тирик ва доимо қоим сифатларига эга бўлган Аллоҳ таолога барча халойиқ бош эгиб туради. У кунда бу дунёда қилган зулмларини кўтариб келган кимсалар ноумид бўладилар.

Аллоҳ таоло Фурқон сурасида шудай марҳамат қиласиди:

وَتَوَكَّلْ عَلَى الْحَيِّ الَّذِي لَا يَمُوتُ وَسَبِّحْ بِحَمْدِهِ وَكَفَى بِهِ  
بِذُنُوبِ عَبَادِهِ خَيْرًا

**«Ва барҳаёт, ўлмайдиган Зотга таваккал қил ҳамда Уни ҳамду сано ила поклаб ёд эт. Бандаларининг гуноҳларидан ўта хабардор бўлишда Унинг Ўзи кифоядир»** (58-оят).

Доимо барҳаёт ва ёч қачон ўл-

майдиган Зот ягона Аллоҳнинг Ўзидир. Банда фақат ўша Зотга таваккул қилиши, суюниши лозим. Ана ўша энг ишончли суюнишдир. Чунки Аллоҳдан ўзга ҳар бир нарса ўлади, йўқ бўлади. Аллоҳдан ўзгага суюнган эса бақосиз нарсага суюнган бўлади.

Аллоҳ таоло Бақара сурасида бундай марҳамат қиласиди:

الْحَيُ الْقَيُّومُ هُوَ

**«У тирик ва қойиумдир»** (255-оят).

Ягона Аллоҳнинг тириклиги Ўзиганина хос алоҳида ҳаёт бўлиб, бандалар ҳаётига ўхшаш бошқа масдардан берилган эмас. Бу ҳаёт азалий ва абадийдир. Бошланиш чегараси ҳам, тугаш чегараси ҳам йўқ. Аллоҳнинг тириклиги ҳеч бир жиҳатдан бандаларнинг ҳаётига ўхшамайди.

Аллоҳ таоло Ғофир сурасида марҳамат қиласиди:

هُوَ الْحَيُ لَا إِلَهَ إِلَّا هُوَ فَادْعُوهُ مُخْلِصِينَ لِهِ الدِّينَ الْحَمْدُ لِلَّهِ  
رَبِّ الْعَالَمِينَ

**«У Зот тириқдир. Ундан ўзга ибодатга сазовор Зот йўқ. Бас, Унга динни холис қилган ҳолда дуо қилинг. Оламларнинг Робби Аллоҳга ҳамдлар бўлсин»** (65-оят).

Аллоҳ тириқдир. Унинг Ўзи асли тириқдир. Тириклик Ундандир. У тирикликни кейин олган эмас. Унга тирикликни бошқа зот берган эмас. Тириклик азалдан У биландир. Тириклик У билан абадий қолур.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. «Тафсири Ҳилол», Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф.
2. «Эътиқод дурданалари». «Бадъул амолий» шарҳи. Абдулқодир Абдур Раҳим.

**Зарнигор АҲМАДАЛИЕВА**  
*тайёрлади*

## Вафот этганинг номидан қурбонлик қилиш

Аввало, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ва ота-она, устоз, қариндош-уруғлар тарафидан қурбонлик қилишилик салафи солихларимизнинг одатларидан бўлган. Бундай қилишни ўзларининг саодати деб билишган.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам икки қўчқорни қурбонлик қилиб, бирининг савобини ўзларининг умматларига бағишлаганлар.

Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга муҳаббатим бор, деб даъво қилувчиларга ҳам у зот томонларидан қурбонлик қилиш муносибdir. Бу у зот бизнинг қурбонлигимизга муҳтожликлари туфайли эмас. Шояд, шу амалимиз у зотнинг шафоатларига сабаб бўлиб қолса, деган умиддадир.

Улуғларимиздан Абдураҳмон раҳматуллоҳи алайҳ қурбонлик кунига алоҳида тайёргарлик кўриб, у кунда етмиштага яқин қурбонлик қилар эдилар. Улардан бирини Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга, бошқаларини ота-она, устозлари номидан амалга оширадилар. Ваҳоланки, у кишининг хонадонларида баъзан йўқчиликдан қозонлари қайнамай ҳам қолар эди.

**Савол:** Ўлган одам номидан қурбонлик қандай амалга оширилади?

**Жавоб:** Ўлган одам номидан ва ўлган одам учун қурбонлик қилишнинг бир неча сурати бор:

1. Майит «Менинг номимдан ва молимдан қурбонлик қилинг», деб васият этган бўлса, васиятга мувофиқ унинг молидан қурбонлик жоиз. Лекин ўша жонлиқнинг гўштининг барчасини закот олишга ҳақдор шахсларга садақа қилиш вожиб бўлади. Марҳумнинг яқинлари у гўштдан ейиши жоиз эмас.



2. Марҳум ортидан қурбонликни васият қилган ёки қилмаган бўлса ва фарзандлари ўз молларидан нафл қурбонлик амалга оширишган бўлса, дуруст. Унинг гўштини бой-камбағал ва ўзлари ҳам ейишлари мумкин.

3. Бир киши ўзининг молидан ва ўз номидан нафл қурбонлик қилиб, унинг савобини бир ёки бир неча майитга бағишлиши жоиз. Гўштидан эса бой ҳам, камбағал ҳам еса бўлади.

**Савол:** Майит номидан қурбонлик афзалми ёки унинг қийматини садақа қилишиmı?

**Жавоб:** Қурбонлик кунларида садақадан кўра қурбонлик қилиб, савобини бағишлиш афзалдир. Қурбонлик сотиб олиб, унинг қонини тўкишдан ҳосил бўлган савоб қиймати садақа қилиш билан ҳосил бўлмайди.

Замирахон ТЎЙЧИЕВА

# Аллоҳ учун ғазаб қилган эдинг!



Ҳасан раҳматуллоҳи алайҳ ҳикоя қиласидилар:

«Қадимда бир дарахт бор эди. Инсонлар Аллоҳни қўйиб, ўша дарахтга сифинишар, ниятларим амалга ошсин, деб унга турли латта-путталар ёки қандайдир тасмаларни боғлашарди. «Шундай қилсак, орзумиз рўёбга чиқади», деб ишонишарди.

Бир обид киши бу ҳолни кўриб, қаттиқ ғазабланди. Қўлига болта олиб, дарахтни кесиш учун йўлга тушди. Ғазаб билан дарахтнинг олдига кетаётган эди, йўлинни бир чол қиёфасидаги шайтон тўсиб чиқди. У: «Нима қилмоқчисан?» деб обидни чалғитишга уринди. «Одамлар Аллоҳни қўйиб, мана бу дарахтга сифинишяпти. Мен уни кесиб ташламоқчиман», деди обид. Шайтон: «Унга ўзинг ибодат қилмасанг бўлди-да! Бошқалар унга сифинса, сенга зарар етказардими? Қўявер, билганини қилишсин», деди. Лекин обиднинг қарори қатъий эди. У дарахтни кесаман, деб энди болтани кўтаргандан шайтон жон ҳолатда унинг қўлига ёпишди. Обид уни бир силтаб, учирив юборди. Шайтон обидни куч билан тўхтатиб қололмагач, бошқача йўлга ўтди. «Агар шу дарахтни кесмасанг, ҳар куни уйғонганингда ёстиғинг тагида икки динор бўлади», деди. Обид бу таклифга қизиқиб қолди. «У динор қаердан келади?» деди. Шайтон: «Мен бераман», деди. Обид бу таклифга алданиб, дарахтни кесмай, уйига қайтиб кетди.

Эртасига уйғонса, ёстиғи тагида икки динор турибди. «Ҳа, алдамабди!» деб хурсанд бўлди. Иккинчи, учинчи кунла-

ри ҳам икки динордан чўнтакка урди. Бора-бора динорларнинг пайдо бўлишига ўрганиб ҳам қолди. Лекин қувончи узоқча чўзилмади. Бир куни эрталаб уйғонса, ёстиқ остида ҳеч нарса йўқ. «Майли, эсидан чиққандир-да», деб биринчи кун индамади. Лекин иккинчи куни ҳам ёстиғининг тагидан ҳеч вақо тополмаган обид ғазаб устида дарахтни кесгани отланди. Дарахтга яқинлашган эди, яна олдида шайтон пайдо бўлди. Лекин бу сафар шайтон баҳайбат бўлиб кўринди. Обид даҳшатдан ўзини йўқотиб қўйди. Шайтон: «Ҳа, нима қилмоқчисан?» деб сўради. «Инсонлар Аллоҳни қўйиб, сифинаётган манави дарахтни кесиб ташламоқчиман», деди обид қўрқувдан қалтираб. Шайтон қаҳ-қаҳ отиб кулди-да: «Бекорларни айтибсан, энди бу ишни қилолмайсан!» деди. Обид қўлидаги болтасини зўрға ушлаб, дарахтни кесмоқчи бўлган эди, шайтон уни бир тепиб учирив юборди. Обид ҳайрон бўлиб: «Нега сенга кучим етмаяпти?» деди. Шайтон: «Менинг кимлигимни биласанми? Мен шайтонман! Сен биринчи марта дарахтни кесиш учун келганингда Аллоҳ учун ғазаб қилган эдинг. Шунинг учун кучли эдинг. Ёнингда фаришталар бор эди. Шунга сенга қарши чиқишига кучим етмасди. Лекин мен ҳийла ишлатдим, сени икки динор билан алдадим. Мана энди бу сафар сен Аллоҳ учун эмас, ўша икки динор учун келдинг. Шунинг учун менга кучинг етмади», деди».



**Ҳоний ал-ҲАЖНИНГ**  
«Солиҳлар гулшани» китобидан олинди



## МЕНИ ЎЙЛАНТИРГАН ЯНА БИР ҲАҚИҚАТ

Ватанга қайтаяпмиз. Учоқقا чиқиб,  
ўриндиғимизга жойлашдик. Орқа  
томондан бир эркакнинг сўкингани,  
ортидан аёл кишининг овози  
эшитилди:

– Сўкмен мани, не сўкас?! Бу мани  
жойим!

Афтидан, эркак у аёлнинг жойига  
үтириб олган. Аёл жойни бўшатишни  
талаб қилган, эркак эса кўнмаган.

Аслида, эркак киши тезроқ жойлашиб, бошқа йўловчиларга йўлакчани бўшатмоқчи бўлган. Бу ҳолатдан бетоқат бўлган аёл қаттиқроқ гапирган. Ўртада тортишув бошланган...

Эркак яна сўқди. Аёл эса бу жой уники эканини, қонун-қоидани яхши тушунишини таъкидлар, ундан сўқинмай гапиришни талаб қиласор эди. Эркак:

– Ў-ў, манга қара, эрке билан гаплашвоссан! Хотин кишимисан, сал пасро бўл, бунаقا момилени манга қима! – деди ўдағайлаб.

Энди уларнинг шовқинига атрофдагиларнинг овози қўшилди: эркакка эътиroz билдира бошлашди. Ниҳоят, учоқ ходимаси келиб, можарога аралашди. Эркакка қаттиқ танбеҳ берди. Ҳар ким ўз ўрнига ўтиришга ва буни талаб қилишга ҳаққи борлигини айтиб, эркакдан ўзгаларни ҳурмат қилишни талаб қиласор эди. Эркак кўпчилик ичидан изза бўлди. Аёл эса зўрға ўзини босди.

Мени ўйлантирган нарса – мазкур йўловчи ўзининг эркаклигини пеш қилиб, ҳаққини талаб қилаётган аёлдан аёл бўлгани учун ўзини паст тутишини талаб қилиб, бу дилхираликни келтириб чиқаргани эди. Сен кимсан ўзи?! Унинг эrimисан ёки бирор маҳрами, ё валийсимишсанки, унга эркаклигингни рўкач қилиб, паст туришни талаб қиласан?!

Янада қизифи, ўзи у аёлнинг ўрнига ўтириб олиб, эркакнинг ишини қилдими? «Бу менинг жойим», дея ўз ҳаққини талаб қилган одамни писанд қилмас-

лик, тезроқ жойни бўшатиб бермаслик, яна ўзи ноҳақ бўла туриб, ҳақ тарафни сўкиш-чи? Бу эркакнинг ишими? Бундан чиқди, эркак киши истаган ерига ўтириб олаверсин, жойнинг эгаси бўлган аёл жимгина турраверсин экан-да! Нима учун? Аёл бўлгани учунми? Унинг ўрнида эркак бўлганида, худди шу муомаласини қила оларми? Эркак бўлгани учун у бемалол сўқаверсин, аёл шунда ҳам эътиroz билдиримай, индамай турраверсин экан-да! Аёл бўлгани учунми?

Агар мана шу ҳодиса бошқа миллатга мансуб кишилар орасида содир бўлса, аёл эркакни маҳкамага берган, ўзига етган маънавий зарар учун маълум миқдорда пул ундириган бўлар эди. Лекин бизнинг ўзбек аёлларимиз бундай нарсаларни ичига ютиб кетаверади.

Ўзини эркаклигини пеш қилиб, аёл кишига ўдағайлаш мусулмоннинг маданиятига, ўзбекнинг одобига тўғри келадими?

Юртдошларимиз ичидан ўзининг хатти-ҳаракати, мусулмон кишига хос бўлмаган ҳулқи билан аёлларимизни хорлайдиган эркаклар борлиги ниҳоятда ачинарли ҳол. Аёл зотига ҳар томондан турли айловларни ёғдираётганлар ана шу масалаларда аёл зотининг бузилишига қайсиdir маънода ўзлари ҳам сабаб бўлаётганлари ҳақида бир фикрлаб кўрсалар, фойдан холи бўлмас эди.

**Одинахон МУҲАММАД СОДИҚ**

# ЗУБОѢА БИНТ ЗУБАЙР – ШАРАФЛИ НАСАБ ВА ДИН СОҲИБАСИ



**Зубоъа бинт Зубайр ким?**

Ибн Ҳажар Асқалоний Зубоъа розияллоҳу анҳонинг таржимаи ҳолларини бундай зикр қиласиди: «Зубоъа бинт Зубайр ибн Абдулмутттолиб Ҳошимийя Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг амакиларининг қизи, Миқдод ибн Асвад розияллоҳу анҳунинг завжаларидир, уларнинг Абдуллоҳ ва Карима исмли фарзандлари бўлган. Зубайр ибн Абдулмутттолибинг Зубоъа ва унинг синглиси Умму Ҳакимдан бошқа зурриёти йўқ. Онаси Отика бинт Абу Вахб ибн Амр ибн Оид ибн Имрон ибн Махзум бўлган».

## Ҳадис ривояти

Ушбу шижоатли, очиққўл, очиққўнгил саҳобийя онамизнинг ҳаётини ёритиб берувчи жиҳатларидан бири у зотнинг ҳадиси шариф ривоят қилганларидир.

Зубоъа розияллоҳу анҳодан Абдуллоҳ ибн Аббос, Жобир ибн Абдуллоҳ, Анас ибн Молик, уммул мўминин Оиша бинт Абу Бакр Сиддиқлар ҳадис ривоят қилишган, Аллоҳ барчаларидан рози бўлсин!

Шунингдек, бу саҳобийядан кибор тобеъинлардан қизлари Карима бинт Миқдод ва Саъийд ибн Мусайяблар ҳам ривоят қилишган.

Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам Зубоъа бинт Зубайр ибн Абдулмуттолибининг ҳузурига кирдилар. Зубоъа: «Эй Расууллоҳ, мен ҳажни иро-да қилмоқдаман, шикоятим ҳам бор», деди. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ҳаж қил ва «Менинг ўрним қаерда ушлаб қолсанг, шу ерда бўлади», деб айтишиň ўзингга лозим тут», дедилар».

Термизий Ибн Аббос розияллоҳу анҳунинг санади билан ривоят қилган: «Зубоъа бинт Зубайр Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига келиб: «Эй Расууллоҳ, мен ҳаж қилмоқчиман, ўзимга бирор нарсани шарт (ният) қиласми?» деди. «Ҳа», дедилар у зот соллаллоҳу алайҳи васаллам. У: «Нима дейман?» деди. У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар: «Лаббай Сенга, Аллоҳим, лаббай Сенга! Менинг ердаги ўрним Сен қаерда ушлаб қолсанг, шу ерда бўлади».

Ушбу ривоятдан Зубоъа розияллоҳу анҳонинг илмга чанқоқликлари, ҳар бир ишни қилишдан аввал унинг илмини ўрганишга ҳарис бўлганлари, Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳар бир кўрсатмаларига итоаткор бўлганлари, Аллоҳ таолога тақво қилувчи мўминалардан бўлганлари билинади (*таржимондан*).

### Зубоъа қандай яхши!

Зубоъанинг отаси Зубайрнинг Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам билан у зот Маккада эканликларида, болалик чоғларида ўзига хос алоқалари бор эди. Зубайр ибн Абдулмутто-

либ Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг энг катта амакилари бўлиб, куняси Абу Тоҳир эди. Зубайр кичик укасининг ўғли Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламни яхши кўрар, унга меҳр берар ва кичик бола бўлса ҳам, у билан ўйнар эди.

Зубоъадан келган хабарларга кўра, отаси Зубоъани севар, унда яхшилик аломатларини пайқар, унга гўзал хулқ ва фазилатлар ҳақида қисқа қўшиқлар куйлаб берар эди.

Унинг Зубоъа билан ўйнаб, қуйидаги байтларни айтгани ворид бўлган:

«Қандай яхши қиз Зубоъа –  
Олижаноб, мutoъса (итоаткор).  
Нарсаларни ўғирламас,  
Беодоблик нима – билмас».

Зубоъа мана шундай тарбия топган, мана шундай хулқларни ўзлаштирган, фазилатга муҳаббат билан улғайган эди. У Исломга биринчилардан бўлиб кирди. Сўнгра илк қавм билан бирга ҳижрат қилди. Солиҳалиқда бошқаларга ибрат бўла бошлади.

### Покиза аёллар покиза эркаклар учун

Ибн Саъд «Тобақот»да, Ибн Ҳажар «Исоба»да Зубоъа бинт Зубайрнинг никоҳланиш воқеасини келтиради. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ўзлари бош бўлиб, Зубоъани ахёrlардан бирига никоҳладилар. Бу Исломни эрта қабул қилган еттита кишидан бири, буюк саҳобий Миқдод ибн Асвад розияллоҳу анҳу эди.

Мазкур никоҳ икковлари учун ҳам яхшилик ва саодат бўлди. Бу Аллоҳ таоло унга етказган ризқ эди. Аллоҳ унга барака ато этди. Чунончи, Аллоҳ таоло уларни Ислом тарихида шаъни улуғ бўлган Абдуллоҳ ва Карима билан ризқлантириди.

## Мақом ва фазли

Зубоъа бинт Зубайр розияллоҳу ан-ҳонинг мақоми амакиларининг ўғли Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳузурларида улкан ва олий эди. У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам Зубоъага икром қиласар эдилар. Зубоъа таом тайёрлаб, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга юборар, у зот соллаллоҳу алайҳи васаллам эса Зубоъани икром қилиб, ундан ер эдилар.

«Уъюнул асар»да Воқидийнинг Ка-рима бинт Миқдод ҳақидаги зикри келтирилган: «Онам Зубоъа бинт Зубайр ибн Абдулмуттолибнинг Ямандан Ҳарро вакиллари келганини сўзлаб берганини эшитдим. Улар ўн уч киши эди. Улар туяларини йўлга бошлишди, Миқдоднинг эшигига етгач, тўхташди.

Биз Бану Ҳадийладаги уйимизда эдик. Уларни Миқдод кутиб олди.

Уларни жойлаштириб, бир лаганда ҳайс (хурмо, пишлоқ ва ёғдан тайёрланадиган таом) олиб келди.

Улар келишидан аввал биз бу таомни ўзимиз учун тайёрлаб қўйган эдик. Уни Миқдод олиб кетди. У таом борасида жуда сахий эди. Улар ундан тўйгунча ейишди. Бизга ичида овқат бўлган идиш киритиб юборишиди. Биз у овқатни кичик идишга тўплаб, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга мавлом Сидра билан юбордик.

Сидра у зот соллаллоҳу алайҳи васалламни Умму Саламанинг уйидан топди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Буни Зубоъа юбордими?» дедилар. Сидра: «Ҳа, эй Аллоҳнинг Расули», деди.

У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Қўй», дедилар. Сўнгра: «Абу Маъбаднинг меҳмони нима қилди?» дедилар. Сидра: «Бизникида», деди.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва-

саллам овқатдан едилар. У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга уйдагилар ҳам, Сидра ҳам тўйгунicha ейишди Сўнгра Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Қолганини меҳмонга олиб бор», дедилар.

Сидра дейди: «Идишда қолган таом билан бирга мавломнинг ҳузурига қайтдим. Меҳмонлар ҳам ундан истаганларича таомланишиди. Сўнгра уларга яна киритдик. Овқат борасида меҳмонлар: «Эй Абу Маъбад, сен бизни энг маҳбуб бўлган таом билан тўйдирдинг. Биз бундай таомга фақат гоҳ-гоҳида қодир бўлардик. Бизга сизнинг юртингизда таом оз, деб айтишганди. У мўл экан (ёки шунга ўхшаш). Биз сенинг ҳузурингда тўйдик», дейишмагунча тугамади. Абу Маъбад уларга таомдан Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам еб, қайтариб юборгандари хабарини берди.

Бу Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бармоқларининг баракаси эканини айтди. Қавм «У зотнинг Аллоҳнинг расули эканига гувоҳлик беррамиз», дея иймон-ишончлари зиёда бўлди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ирова қилган нарса ҳам шу эди. Улар фарзларни ўрганиб, бир неча кун туришди. Сўнгра Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига келиб, изн сўрашди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уларнинг кетишига изн бердилар. Улар аҳллари ҳузурига йўл олишиди.

## Вафоти

Зубоъа бинт Зубайр розияллоҳу анҳо ҳижрий 41 йилгача яшадилар. Рошид халифалар даври тугаган пайтда мўмина, собира ҳолда вафот этдилар.

Аллоҳ таоло ундан рози бўлсин!

**Зарнигор АҲМАДАЛИЕВА**  
тайёрлади

# Дунёни оналар бошқаради



Ашхур америкалик ихтирочиси, электр лампочкасини кашф қилган Томас Эдисон мактабда жуда бүшүүк болгон эди. Бундан бөзор бўлган муаллимлар бир куни унинг онасига мактуб юборишади. Томас мактубни онасига олиб келиб топширади. У конвертни очиб, мактуб билан танишиб чиқади. Кейин қўзида жиққа ёш билан уни ўғлига ўқиб беради: «Ўғлингиз ниҳоятда иқтидорли, шунинг учун мактаб бундай салоҳиятли бола учун етарли бўлмаяпти. Яхшиси, у уйда таълим олақолсин!»

Ииллар ўтиб, она қазо қиласди. Бу пайтда илм-техника соҳасида анча танилиб қолган Томас онасидан қолган буюм ва мактубларни кўздан кечираётуб, бир вақтлар ўзи ўқиган мактаб муаллимлари томонидан ёзилган мактубни кўриб қолади. Қизиқиб, сарғайиб кетган конвертни очиб, ундаги мактубни ўқийди. Унда эса «Томас дарсларда бошқа нарсаларга чалғииверади, фанларни яхши ўзлаштира олмаётир, шунинг учун эртадан бошлаб мактабга келмасин», деб ёзилган эди. Агар ўшан-

да меҳрибон она боласига бор ҳақиқатни очиқ ўқиб берганида жаҳон илм-фани битта буюк ихтироҷидан маҳрум бўлар эди.

Бошқа бир мисол: Франциянинг таниқли давлат арбоби ва саркардаси Наполеон Бонапартнинг болалигида онаси ҳар куни уни уйқудан «Турақолинг, болам, сизни порлоқ келажак кутяпти, ҳали бутун дунёни забт этишингиз керак», деб уйғотар эди. Ўзига ана шундай юксак ишонч билан улғайган Наполеон онаси нинг умидларини рўёбга чиқарди.

Булар ғарб оналарининг фарзандлари камоли ва келажаги йўлидаги хизматларидан шингил мисоллардир. Шарқ оналари, айниқса, мусулмон оналарнинг фарзандларининг баҳт-саодати ва комил мусулмон қилиб тарбиялашдаги саъй-ҳаракатлари, фидойиликлари ҳар қанча таҳсинга лойиқ бўлган. Келинг, мисолларга мурожаат қиласли.

Бухоролик эридан тул қолган бу фидойи она ҳар куни тонг қоронғусида кўчада масжидга кетаётган одамларнинг йўлини пойлаб турад, олти ёшли ўғлини биронта намозхонга қўшиб, бомдодни жамоат билан ўқишга жўнатар эди. Кейин уйда унинг саводини чиқарди, Қуръон ёдлатди. Сўнг куттобга, бошланғич мактабга ўқишга берди, у ерда «Муватто» ҳадислар китобини ёд олдириди. Бола ўн олти ёшга тўлганида уни Маккаи Мукаррамага ҳаж қилиш учун олиб бориб, ўша ерда таҳсилни давом эттириши учун қолдириб келди.

Ўғли икки яшарлигида аёл Аллоҳнинг бир имтиҳонидан шараф билан ўтган эди. Бир куни янги йўлга кирган дилбанди Муҳаммад атак-чечак қилаётиб, йиқилди. Шунда ерда

ётган бир шохча унинг икки кўзига заха етказди. Орадан уч-тўрт кун ўтгач, она фарзандининг кўрмаётганини сезиб қолди. Фотима дунёсини унутди, тилидан Аллоҳ зикри тушмай қолди. Ўғлини обдон текшириб кўрган табиб «Умид ёлғиз Аллоҳдан!» деб таскин бера олди, холос. Ана шундай кунларнинг бирида аёл тушкўрди. Тушида Иброҳим халиуллоҳ унга «Эй аёл, Аллоҳга кўп ёлвориб йиғлаганинг, тинмай дуолар қилганинг бесамар кетмади, меҳрибон Аллоҳ ўғлингнинг кўзларини қайтариб берди!» дедилар. Она уйқудан юраги ҳаприқиб уйғонди. Ўғли ётган хонага кириб қараса, кўзи яна ҳамма ёқни кўра бошлаган ўғли ўринда жилмайиб ётарди. Аёл тақвоси мукофотига берилган бу яхшиликдан беҳад севинди. Аллоҳга ҳисобсиз шукрлар айтди, мақтовлар йўллади. Онаси бу қадар авайлаб-ардоқлаб улғайтирган ўғил кейинчалик ҳадис илмининг султони, улуғ муҳаддис бўлиб етишган Муҳаммад ибн Исмоил Бухорий (Имом Бухорий) эди.

Тасаввуфнинг машҳур шайхларидан Абдулқодир Жийлоний бундай ҳикоя қиласи: «Болалигимда онам мени тўғрисўз, ростгўй бўлишга ўргатган эдилар. Бир куни Маккадан чиқиб, илм олиш мақсадида Бағдода борадиган бўлдим. Онам йўл харажатлари учун қирқ динор пулни чопоним қатига тикиб берар экан, мендан ҳеч қачон, ҳар қандай ҳолатда ҳам ёлғон гапирмаслик ҳақидаги ваъдамни олди. Карвон билан Ҳамадон ўлкасига етганимизда қароқчилар тўдаси ҳужум қилиб, карвондагиларнинг бор-будини тортиб олди. Қароқчилардан бири: «Сенинг ниманг бор?» деб сўради. Мен: «Чопоним қа-

тида қирқ динор олтиним бор», деб рост гапирдим. У ҳазиллашяпти, деб ўйлаб нари кетди. Бошқа қароқчи яна шу саволни берди ва унга ҳам қирқта олтиним борлигини айтдим. У мени тўда бошлиғига олиб борди. Бошлиқ: «Ростини айтишга сени нима мажбур қилди?» деб сўради. Мен: «Онамга ҳеч қачон ёлғон гапирмасликка ваъда бергандим», дедим. Шунда қароқчилар бошлиғини бирдан қўркув босди. У қичқирганича ушбу сўзлар билан кийимларини йирта бошлади: «Сен онангга берган ваъдангни бузишдан қўрқиб, олтинларингни кўрсатяпсан, мен эса Аллоҳга берган ваъдамни бузишдан қўрқмаяпман». Кейин у одамларига барча тортиб олинган нарсаларни қайтариб беришни буюрди ва: «Мана сенинг ҳузурингда гуноҳларим учун Аллоҳга тавба қиляпман», деди. Бошқа қароқчилар ҳам унга: «Сен талончиликда бизнинг тўдабошимиз эдинг, энди тавба қилишда ҳам раҳнамойимиз бўл!» дейишиди.

Ҳар бир киши, ижтимоий рутбасидан, мавқеидан қатъи назар, онасидан моддий ва маънавий озуқа олиб камолга етади. Пайғамбару валийлар, буюк даҳо-ю олимларни ҳам она тарбия қилади.

Сарвари олам соллаллоҳу алайҳи ва салламдан оналарга ҳурмат кўрсатишнинг буюк намуналари бизга мерос қолган. У зот ҳатто ўзларини эмизган сут оналари Ҳалимаи Саъдиянинг зиёратига боргандан чопонларини ечиб, унинг устига ўтқазгандар, сут оналари ҳар гал ичкарига кириб-чиққанида ўринларидан туриб, ҳурмат кўрсатгандар.

Бир саҳобий онасини елкада кўтариб ҳаж қилдиргач, «Унинг ҳаққини

адо қила олдимми?» деб сўраганида «Сени туғишдаги қийинчиликларидан биттасининг ҳаққини ҳам адо қилолмадинг», деб жавоб қилишган.

Мазҳаббошимиз Имом Аъзам Бағдод зиндонида тутқунликда азоб чекиб ётганларида «Аҳволимни онамга билдириманлар, ҳамма нарсага чидайман-у аммо у кишининг қайғу чекканига чидолмайман», деганлар.

Ҳазрати Баҳоуддин Нақшбанд «Қабримизни зиёрат қилгани келгандар, аввало, онамиз қабри зиёратидан бошлашсинг», деганлар.

Абдураҳмон Жомий ҳазратларининг «Онамни нега севмай?! У мени бир муддат жисмида, сўнгра кўп замон қучоғида, ўлгунга қадар эса қалбининг шафқат хонасида ташигандир», деган сўзи бор.

«Дунёни аёллар бошқаради», деган гап бор. Мен бу иборани «Дунёни оналар бошқаради», деб ҳам ўзгартиришни истар эдим. Ана шундай улуғ мақомдаги меҳрибон оналимизниң ҳаққини адо эта оляпмизми? Турмуш ташвишларидан бўшаб, уларнинг зиёратига вақт топяпмизми? Бемаъни қилиқларимиз, уларга ёқмайдиган, малол келадиган гап-сўзларимиз, эътиборсизликларимиз билан дилларини оғритиб қўймаяпмизми? Танбеҳ-насиҳатларига қулоқ соляпмизми? Ўтиб кетганларининг ҳаққига Аллоҳ таолодан раҳмат-мағфират тилаб, дуолар йўллашга хафсала қиляпмизми? Бу саволлар, шубҳасиз, ҳар биримизни ўйлантиради. Аммо натижалар ҳамиша ҳам ижобий эмас. Яна бир бор ўйлаб кўринг-чи!

Аҳмад МУҲАММАД



# «Ислом динининг буюк шахсларини тарбиялаган бу заминда юрганимдан фахрланаман!»

Покистон Ислом Республикаси муфтийиси ҳамда Караби «Дорул-улум» университети раиси Муҳаммад Рафий Усмоний ҳазратлари Ўзбекистонга ташриф буюрдилар. У киши билан ҳамроҳликда оила аъзолари ҳам бирга келишган эди. Аёллари саййида Аниза хоним билан бўлган сухбатимизни сиз азизаларга тақдим қиласиз.



*Муфтий ҳазратларининг турмуш ўртоқлари Сайида Аниза хонимнинг уч қиз ҳамда бир ўғиллари ота-она ва аждодлари каби дин йўлида фаолият юритиб келишади. Аниза хоним «Дорул-улум» университети аёллар бўлими раиси бўлиб, қизлар тарбиясига жиддий эътибор қаратадилар.*

*Сайида Аниза хонимнинг камтарликлари, ортиқча гап гапирмасликлари, ҳар бир дақиқани ғанимат билишлари ҳам ҳар бир аёл ибрат оларли жиҳатлариданdir.*

– Покистонликларнинг тарбияси, самимийлиги бизга жуда ёқди. Покистонликларда бўлган яна бир жиҳат – ўзидан катталарни қаттиқ ҳурмат қилиши уларга бўлган ҳурматимизни янада оширди. Айтинг-чи, фарзанд тарбиялашда оналар нималарга эътибор беришлари керак?

– Оналар эътибор қаратиши керак бўлган энг муҳим нарса – намоздир. Фарзандларига ҳам бу борада бепарво бўлмасликлари лозим. Яна Қуръон ўқишига ҳам эътибор беришлари керак. Ундан ташқари ўзидан катталарни, опа-сингилларини, ака-укаларини, бошқа одамларни ҳурмат қилишни ўргатиш муҳим. Энг аввало, оиласда ва жамиятда ҳамма бир-бирини ҳурмат қилиши зарур.

– Покистон аёллари ва «Дорул-улум»нинг аёллар мадрасаси ҳақида гапириб берсангиз.

– Покистонда аёллар кўпинча (йигит-қизлар) аралаш соҳаларда ўқидилар. Аёллар асосан ўқитувчилик қиласидилар. “Дорул-улум”даги аёл-қизлар билим юртида қизлар З йиллик «алима» курсини ўқишиади. Ўқиш Рамазон ойидан кейинги Шаввол ойидан бошланади. Аёл-қизлар ўқиш давомида ҳадис, усул, фиҳқ каби илмларни чуқур эгаллашади.

– Зулҳижжа ойи арафасида дини-

мизнинг бешинчи устуни бўлмиш ҳаж амали ҳақида ҳам тўхталиб ўтсангиз.

– Ҳаж – бу Исломнинг асосий руқнларидан бири. Ихлос билан Аллоҳдан астойдил сўраш керак, 2 ракат нафл намоз (солатул ҳаж) ўқиб, Фатҳ сурасининг 27-оятини тиловат қилиб, Аллоҳдан чин дилдан муборак сафарни ва ибодатларини насиб қилишини сўраш лозим. Ва яна унутмаслик керакки, Набий алайҳиссалом айтганларидай, «Агар инсон имконияти бўла туриб ҳажга бормаса, яхудий ва насроний бўлиб ўлади». Имкони бор мусулмон учун умрида бир бор ҳаж қилиш қарзди.

– Ўзбекистон сизда қандай таассурут қолдирди?

– Мен Ўзбекистонни муқаддас ўлка деб биламан. Чунки Самарқанд, Хива, Бухоро, Хоразм воҳасида жуда кўп алломалар ва буюк шахслар яшаб ўтган. Ислом динининг буюк шахларини тарбиялаган бу заминда юрганимдан фахрланаман! Менга Ўзбекистон жуда ёқди. Инсонларининг меҳмондўстлиги ва диндорлиги, айниқса, маъқул. Ўзбекистоннинг ҳавоси, одамлари, умуман, ҳамма-ҳамма нарсаси бизга ёқди. Биз Ўзбекистонни соғинамиз!

Гулшода  
сұхбатлашды



# Аъзоларимиз ҳаққи

Ҳар бир аъзоимизнинг ижтимоий ҳаёт, оила билан боғлаб турувчи эмоционал ҳолатлари бўлиб, бу ҳолатлар ақлий фаолиятимиз, ҳистийғуларимиз, рухиятимиз ва бизни қамраб турувчи кичик оламимиз таъсирида ижобий ёки салбий тусга киради.

Мазкур аъзоларимизнинг ўз ҳиссалари бор, буни «маънавий ҳақлар» деймиз. Масалан, кўз қувватининг ҳаққи – ҳаёдир. Кўз қувватини асраш, номаҳрамларга бўлган назардан тийилиш, ота-она, устозлар, турмуш ўртоқ ва ёши улуғлар қаршисида кўзда ҳаё ҳисси бўлиши зарур. Ҳатто Қуръони Каримда тасаттур масаласи энг аввал эркакларга фарз бўлган: «Мўмин эркакларга айтинг, кўзларини харомдан сақласинлар, номусларини қўриқласинлар, шубҳа йўқки, Аллоҳ нима иш қилсангиз, ҳаммасидан хабардор бўлур» (*Нур сураси, 30-оят*).

Психологик жиҳатдан кўз – жигар аъзосининг ойнаси ҳисобланади. Кўзда ҳаё ҳиссининг пасайиши А витамини ва цинк моддасининг етишмовчилигидан бўлиб, ушбу моддалар камайганда кўзда ғазаб қуввати кучаяди, бу ўт қопи ва жигар фаолиятининг бузилишига сабаб бўлади. Натижада қон тромблашади, ўт фаоллиги пасайиб, ўт-тош касаллиги вужудга келади.

Юзнинг ҳаққи – табассум, яъни ижобий кайфиятдир. Мўминнинг Аллоҳ таолога ва Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга бўлган итоати, муҳаббати, садоқати юзида намоён бўлиб туради. Расули Акрам соллаллоҳу алайҳи васаллам айтадилар: «Сенинг биродарингга табассум юз билан боқишинг ҳам сен учун садақадир».

Психологик жиҳатдан юз аъзоси – юракнинг ойнаси ҳисобланади. Юракнинг эмоционал ҳолати эса қувонч бўлиб, инсон кайфияти ва саломатлиги учун муҳимдир. Қувончнинг йўқлиги эса магний ҳамда калий балансининг бузилиши ва бу моддаларнинг етишмаслигидандир. Кўп ҳолларда ушбу моддаларнинг сарфи инсоннинг қамраб турган муҳитига ва оиласий муҳитининг салбийлигига боғлиқ. Мазкур етишмовчиликлар эса юрак фаолиятига салбий таъсир этади. Натижада қон босимининг ошиши, марказий асаб тизимининг зўриқиши ва ҳатто инфаркт ҳолатига ҳам олиб келади.

Ақлнинг ҳаққи – фаросатдир. Мўмinda шошқалоқлик аломати бўлмайди. Ҳар бир ишда оқиллик, закийлик, тадбир билан ва хотиржамлик ила ҳаракатланади, шу ҳолатда ақл фаросатдан қувват олади.

Аллоҳ таоло мўминнинг ақлига фаросатни жойлаб қўйди. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Мўминнинг фаросатидан сақланинг. Чунки мўмин Аллоҳнинг нури ила боқади», дедилар.

Психологик жиҳатдан ақл – буйракнинг эмоционал ҳолати бўлиб, қулоқ орқали эшитилган ва тингланган салбий

ахборотлар ақлни шоширтириб қўяди. Натижада қўрқув ва безовталиклар кучайиб, буйрак-тош касалликлари, иммунитет пасайиши ва ҳатто жинсий безлар ҳамда сийдик қопи муаммолари вужудга келади. Қон босими пасайиб, кўз муаммоларига ҳам олиб келади. Бундан ташқари, камқонлик юзага келади, бўғин хасталиклари пайдо бўлади.

Тилнинг закоти – фасоҳатдир. Мўмин сўзлаганда сўзнинг тартиби, вақти, аҳамиятини инобатга олади.

Моддий озуқалар ҳазми қийинлашгани каби фаҳш ва ёқимсиз сўзлар ҳам «ҳазм бўлмайди», балки инсон руҳиятига салбий таъсир этади. Натижада умидсизлик, руҳий бўшликлар пайдо бўлади. Талоқ ва ошқозон безига таъсир этиб, қандли диабет вужудга келади.

Фасоҳатли сўзлар инсонга руҳий озуқа бўлиб, маънавий қувват ҳосил қилади. Атрофимиздаги инсонларга, оила аъзолари ва ота-она ҳамда яқинларимиз қалбларига илиқликини таъмин этади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтадилар: «Сўзлассангиз, гўзал сўзлардан сўзланг, йўқса, сукут сақланг».

Исломият ахлоқ ва одоб устига қурилган бўлиб, фасоҳат бобида юзларча китоблар ёзилган. Динимиз алломалари фасоҳат илми бўлмиш талҳис илмига алоҳида аҳамият берганлар.

Талҳис илмининг шартларида «сўзда фасоҳат, жумлада фасоҳат, гапиравчининг ўзида фасоҳат» бўлиши талаб этилади.

Инсон бу маънавий ҳақларни адo этиши натижасида ибрат ва намуна бўла олишдек юксак савия соҳибига айланади.

Ислом ахлоқини ва иймон ҳақиқатларини амалларимизда кўрсата олишимиз бизнинг асосий ютуғимиздир!

**Мадина ДЖУРАЕВА**  
тайёрлади

# Алиниң қурбонлиги



– Ана! Мен Ойни күрдим! – б ёшли Али отасига деди.

– Қани? – деб сўради унинг ўн ёшли акаси Абдуллоҳ.

– Анави катта дарахтни кўрятпизми? Ой шундоққина унинг ёнида, – деб жавоб берди болакай.

Болалар Зулҳижжа ойининг биринчи кунида Ойни кўришга ҳаракат қилишарди. Ахир улар Ойни кўрганларидан бошлаб 10 кун давомида байрам бўлар эди-да.

– Ана энди мен ҳам уни кўрятпман! – деди Абдуллоҳ.

– Дадажон, биз эртага эчки сотиб олишга борамиз-а? – деб сўради Али.

– Албатта, пешин намозидан сўнг бозорга борамиз, – деб жавоб берди отаси.

Эртаси куни болалар оталири билан машинага ўтиришди. Улар Қурбон ҳайити байрамига жонивор сотиб олиш учун тоғда жойлашган яқинроқ қишлоққа бордилар. Уни Иброҳим алай-хиссаломнинг суннатларига мувофиқ қурбонлик қилишади.

– Бу сафар эчкини уйга олиб кетамиз. Сизлар уни боқиб, ғамхўрлик қиласиз. Ундан ташқари эчки билан бироз ўйнашингиз ҳам мумкин бўлади, – деди ота.

– Яшасин! Мен унга яхшилаб қарайман. Ҳатто баъзи қилиқларни ҳам ўргатаман, – деб қичқириб юборди Али.

Шундай қилиб, ота-болалар эчкини сотиб олишди ва уни уйга олиб келишди. Эртаси куни Али саҳарлаб, одатда уйғонадиган вақтидан анча олдин

уйғонди. У тезда ювиниб, кийинди-да, әчкига емак бериш учун ҳовлига чиқди. Унинг акалари Усмон ва Абдуллоҳ аллақачон әчкига қарашаётган эди.

– Ассалому алайкум! – дейишиди болалар.

– Ваалайкум ассалом! – алик олди Али.

– Биз әчкига навбатма-навбат қараашга қарор қилдик. Ҳар биримиз бир кун давомида унга қараймиз. Сен биринчи бўлиб бошлишинг мумкин, – деди Абдуллоҳ.

– Келишдик! – деди Али. – Унинг овқати қаерда?

– Мана бу ерда, – жавоб берди Абдуллоҳ бурчакда турган қопга ишора қилиб.

– Илтимос, унинг суви ва овқати етарли эканига эътиборли бўл, – деб тайинлади Усмон.

Шундан кейин Али әчкини чақирди. Жонивор унинг олдига келиб, ўт ейишни бошлади. Кейин бироз сув ичди. Болалар Қурбон ҳайити куни келгунига қадар галма-гал әчкига қараашди. Бир неча марта уни ўтлатишга ташқарига ҳам олиб чиқишиди. Шундай қилиб, ака-укалар секин-аста жониворларини яхши кўриб қолишиди.

Ҳайит намози ўқилгач, оила аъзолари уйга қайтишди. Қурбонлик қилиш вақти келган эди.

– Лекин, дадажон, нега ахир сиз бизнинг әchkимизни ўлдирмоқчи бўляпсиз?! – отасининг пичоқ чархлаётганини кўриб болакай йиғларди...

– Биз уни сўйишимиз керак, чунки Аллоҳ бизни шундай қилишга буюрган. Ҳар йили Қурбон ҳайити байрамида бутун дунё бўйлаб қурбонлик қилишга қодир мусулмонлар қўй,

эчки, сигир, ҳаттоки туяларни сўйишиади. Пайғамбар Иброҳим алайҳиссалом Аллоҳга бўлган садоқатини исботлаш учун ўғлини сўйишга тайёр эди. У Аллоҳнинг амрини бажармоқчи бўлди, лекин Парвардигор қурбонлик учун қўчқорни туширди ва Иброҳим алайҳиссалом фарзанди ўрнига жониворни қурбонлик қилди. Иброҳим алайҳиссаломнинг суннатига мувофиқ қодир бўлган бу амални имкони бор барча мусулмонлар адо этишлари керак. Катта бўлсанг, сен ҳам шундай қиласан! – деб тушунтириди болакайга отаси.

Али индамади ва жимгина отаси әчкини сўяётганига қараб турди. Кейин эса югуриб уйга кириб кетди, севимли жониворининг сўйилишига бошқа қараб туролмади. Акаси Абдуллоҳ унинг кетидан борди ва бироз олдин отаси тушунтирганларини қайта тушунтириди. Алал-оқибат Али ҳаммасини тушунди, аммо бу унинг ғамгинлигини камайтирмади.

Болалар оталарига ёрдам беришиди. Али эса бўлиб ўтган воқеаларни ўйлашда давом этарди ва тўсатдан унинг хаёлига бир фикр келди: у, ниҳоят, қурбонлик қилишнинг асл мөҳиятини тушунди – сиз ўзингиз учун қадрли нарсани буюк мақсад учун берасиз! Али табассум қилди, чунки Аллоҳ қурбонлик қилишни буюргани учун, Унинг ризосини топиш учун әчкини қурбонлик қилишганидан ўзини баҳтиёр ҳис қила бошлади. Сўнг ўрнидан турди-да, гўштни тақсимлашга ёрдамлашиш учун онасининг олдига борди.

# Ўзини яхши кўриш нима дегани?

Ўзини яхши кўриш ўз шахсиятининг фақат ижобий тарафларига мафтун бўлиб, камчилик ва хатоларига кўз юмиш дегани эмас. Ўзининг мукаммалиги ёки нотавонлиги борасида ўйланиб юриш – кўпчилик қиладиган хатолардан бири. Аслида, комиллик – бу эришиб бўлмайдиган, балки эришишга ҳожат ҳам бўлмаган нарса эканини ҳамма яхши тушунади. Ҳеч бир одам камчилик ва хатодан холи эмас. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Одам фарзанди хато қилувчидир», дея марҳамат қилганлар.

Ўзини чиндан ҳурмат қилган киши бу ҳақиқатни тушуниб, тўғри қабул қила олади. У ўзининг мукаммал эмаслигини англаш билан бирга, ўзини нотавон деб ҳам ҳис қилмайди. У ўзини борича – оддийлигича қабул қиласи. Ўзининг мукаммал эмаслигини тўғри қабул қила олган киши нима қиласи? У хатолари ҳамда гуноҳларини тан олади ва бу ҳолат уни тавба қилишга ундейди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бундай деганлар: «Эй Одам фарзандлари! Аллоҳга тавба қилиб, истиғфор айтинг, мен Унга бир кунда юз марта истиғфор айтаман». Қуръони каримда Аллоҳ таоло: «Албатта, Аллоҳ тав-



**ба қилувчиларни севади ва покланувчиларни севади»,** дея марҳамат қилган (*Бақара сураси, 222-оят*). Хатоларини тан ололмаган киши тавба ҳам қилмайди. Шунинг учун тан олиш ўзини яхши кўришнинг бир қисмидир. Зоро, воқеъликни борича кўра олган киши уни яхши тарафга ўзгартиришга ҳаракат қиласи.

## ОЙНАДАГИ АКС

Наргис гули сувда ўзининг аксини кўриб, севиб қолди. Шундан сўнг у бошқа ҳеч кимни сева олмади. У ҳеч қачон уйланмади, чунки дунёда бошқа ҳеч ким унинг ўзига тенглаша олмади. Юнонларнинг бу ривоятидан ўзига бино қўйиш билан ифодаланадиган руҳий зўриқишини билдирувчи нарциссим ибораси келиб чиққан.

Ривоятга кўра, бир киши мукаммал аёлни излаб кўп ийларини ўтказди. Кунларнинг бирида у ўша аёлни топди, бироқ унга уйланмади. Бир киши ундан бунинг сабабини сўраганда у: «Мен мукаммал аёлни топдим, бироқ у ҳам мукаммал эркакни излаётган экан», деб жавоб берди.

## ЎЗИНИ ЯХШИ КЎРИШ ЯНА НИМАЛАРДА АКС ЭТАДИ?

Ўзини яхши кўришлик кишининг қалби ва жисмига ҳар куни ғамхўрлик қилиши, дини ҳақида қайғуриши, Аллоҳ олдида мажбуриятларини адо этиши, илм олиши, оиласи ва атрофдаги кишилар билан самимий муносабатда бўлиши, унга ёмонлик қилувчиларни кечириши, низоларни бартараф қилиши, эҳсонда бардавом бўлиши каби шариат буюрган ишларда акс этади. Аллоҳга бандалик қилиш – ўзини яхши кўришнинг энг олий даражасидир. Чунки инсон фақат шу йўл билангина ўзининг нафақат бу дунёдаги, балки охират ҳаётидаги келажаги ҳақида қайғура олади.

# Ота-онадан олдин ўзи ҳаж қилиши керакми?

Хурматли устоз, биз ота-онамизни жудаям яхши күрамиз. Улар учун нима қылсак ҳам – кам. Худо хоҳласа, ота-онамни ҳаж ва умрага олиб бориш ниятим бор. Лекин бир гап эшийтдим: ота-онадан олдин ўзи бориши керак экан. Шу ҳақда динимизда нима дейилган? Ноўрин савол берган бўлсам, узр сўрайман.

Шайх Муҳаммад Содик  
Муҳаммад Юсуф раҳима-  
ҳуллоҳ:

– Ҳеч нарса дейилмаган.  
Кимга фарз бўлса, ўша ҳаж  
қиласди.



## ҲАЖДА АЁЛИГА НАСИҲАТ ҚИЛИШ

*Ассалому алайкум! Эҳромдаги киши агар аёли бехосдан бирорни тийбат қилган бўлса, буни билган эр мазкур ёмон иллатдан уни қайтариш ва бу ишини қайтиб қилмаслик мақсадида насиҳат қилиб тергалиши, сўкиши мумкинми? Яъни бу билан эр жанжаллашган бўлмайдими?*

**Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф роҳимаҳуллоҳ:**

– Насиҳат билан жанжаллашган бўлмайди. Шунинг учун сўкмасдан насиҳат қилиш керак.

## БАНДАНИНГ ҲАҚҚИ

*Ассалому алайкум, ҳурматли Шайх ҳазратлари! Ҳаж қилганда ҳамма гуноҳлар ўчирилади, деб эшиштганман. Бирорнинг ҳаққи – зулм, тийбат, тұхматлар ҳам кечириладими?*

**Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф роҳимаҳуллоҳ:**

– Бирорнинг ҳаққи кечирилмайди.

## ЁЛҒИЗ АЁЛНИНГ ЗАКОТИ ВА ҚУРБОНЛИГИ

*Ассалому алайкум! Эридан ажрашган аёл фарзанди бўлса, мусофириликда ишиласа, ўзи учун закот бериши ёки қурбонлик қилиши керакми?*

**Одинахон Муҳаммад Содик:**

– Ва алайкум ассалом. Закот инсоннинг оиласи шароитига қараб бериб ёки берилмай қолмайди. Моли нисобга етган ҳар қандай болиғ мусулмон закот бериши фарз. Валлоҳу аълам.

## БИРИНЧИ КИМ УЧУН ҲАЖ БАДАЛ ҚИЛГАН АФЗАЛ?

*Ассалому алайкум. Дадам чет дав-*

*латда яшайдилар. У киши ота-оналари учун ҳаж бадал қилмоқчи эдилар. Дадалари оламдан ўтган, оналарининг кўзи ожиз. Биринчи қайси бирлари учун ҳаж бадал қилишлари керак? Жавоб учун олдиндан раҳмат!*

**Одинахон Муҳаммад Содик:**

– Ва алайкум ассалом. Оналарининг ҳажга бориши имконсиз бўлса, улардан бошлаганлари афзал. Валлоҳу аълам.

## САДАҚАГА МУНОСИБ КИШИЛАР

*Ассалому алайкум, Одина опа! Намоз ўқимайдиган, рўза туттмайдиган одамга садақа бериши мумкинми? Ҳозирда кимга садақа беришини билмай қоламиз. Лўлиларга берсак, «Уларга берманглар, уларнинг бир нечталаб машинаси бор, уларни жаноза қилмасдан кўмишади», дейишади. Оддий одамларга берамиз, десак, бизни камбағал, деди, паст кўрди, деб хафа бўлишади. Кимга берган афзал?*

**Одинахон Муҳаммад Содик:**

– Ва алайкум ассалом. Садақа икки қисмга бўлинади: вожиб ҳамда нафл. Вожиб садақани бошқа дин вакилларига ҳамда мусулмон бўлса-да, закот ёки қурбонлик нисобига қодир бўлган кишиларга бериш жоиз эмас. Улар закот, назр, каффоротлардан иборат. Намоз ўқимаса ҳам, рўза тутмаса ҳам, мусулмон одамга садақа берса бўлади. Бироқ яхши ва солиҳ инсонларга бериш тавсия қилинади. Нафл садақани эса мусулмон бўлмаганларга ҳам бериш жоиз.

Гулободий раҳматуллоҳи алайҳ «Баҳрул фаваид» номли китобларида Расуллурроҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг «Таомларингизни аброрларга едиринг», деган ҳадисларини келтирғанлар. Аброр деб эзгу, солиҳ кишиларга айтилади. Валлоҳу аълам.


Азиза ЖАЛОЛИДДИНОВА  
тайёрлади

# muslimaat.uz фаолиятда чарчамас!

3 март куни Тошкент шаҳридаги «Алвон» супермаркетида миллий либослар кўргазмаси бўлиб ўтди. Унга ҳурматли меҳмон сифатида muslimaat.uz раҳбари Одинахон Муҳаммад Содик ташриф буюрдилар.

\* \* \*

2 апрелда эса «Шайх Зайниддин» (Кўкча) масжида имконияти чекланган фуқаролар ўртасида Асмаул ҳусна, яъни Аллоҳ таолонинг гўзал исму сифатларини ёддан айтиш бўйича мусобақа уюштирилди. muslimaat.uz ходимлари мазкур мусобақадан хабар ва интервьюлар тайёрлаб, ҳалқа тақдим этишди.



9 апрель куни Имом Бухорий номли Тошкент Ислом институтида 18-25 ва 25-40 ёшли талabalар ўртасида «Куръон мусобақаси – 2019» кўрик-танловининг институт босқичи ўtkazildi ва undan ҳам xabaru lavҳalar tayёрlandi.

\* \* \*

«Хадичаи Кубро» аёл-қизлар ўрта маҳсус Ислом билим юрти томонидан 16 апрель куни мамлакатимизнинг келажаги бўлган ёш авлодни ҳар томонлама баркамол инсон этиб тарбиялашдаги самарали меҳнати, таълим соҳасидаги давлат сиёсатини амалга оширишдаги фаоллиги, «Хадичаи Кубро» аёл-қизлар ўрта маҳсус Ислом

билим юрти билан ҳамкорликда ишлаш фаолиятига қўшган ҳиссаси учун muslimaat.uz сайти раҳбари, «Hilol-nashr» нашриёти директори ўринbosari, исломшунос олима Одинахон Муҳаммад Содик ташаккурнома билан тақдирландилар.

\* \* \*

18 апрель куни йирик диний олим Шайх Муҳаммад Тақий Усмоний ҳазратлари «Хилол-нашр» нашриётига ўз шогирдлари билан ташриф буюрдилар. Нашриётнинг анжуманлар залида ҳурматли меҳмонлар билан илмий мажлис бўлиб ўтди. Ҳамроҳ бўлиб келган аёл меҳмонлар эса muslimaat.uz сайти жамоаси билан учрашдилар.

\* \* \*

29 апрелда эса "Хилол-нашр" нашриётининг анжуманлар залида muslimaat.uz сайти томонидан "Бир ҳадис изидан..." номли тадбир ўtkazildi. Тадбирга "Умму Заръ" номи билан машҳур бўлган, Имом Бухорий саҳиҳ ҳадислар тўпламига киритилган узун ҳадис асос қилиб олинди. Ташриф буюрган аёл-қизларга ҳадис видео-ролик тарзида ҳавола этилди. Сўнгра меҳмонлар ҳадис мазмунидан келиб чиқсан ҳолда тузилган сўровнома саволларига аноним тарзда жавоб бердилар. Кейин эса muslimaat.uz сайти раҳбари Одинахон Муҳаммад Содик сўзга чиқиб, ҳадис-

дан олинадиган фойдалар билан тиниширдилар.

\*\*\*

27 апрель куни «Тошкент» меҳмонхонасида «Ramadan Fathion Festival – 2019» номи остида либослар кўргазмаси бўлиб ўтди.

Кўргазмага бир қанча нуфузли ташкилотлардан гўзал хонимлар, шунингдек, «muslimaat.uz» аёл-қизлар сайти ходималари ҳам ташриф буюрдилар.

30 апрель 2019 йил са-насида “Хадичаи Кубро” аёл-қизлар ўрта маҳсус Ислом билим юртининг 20 нафардан ортиқ та-лаба қизлари Сулаймон Жамзурийнинг “Туҳфатул атфол” (“Болаларга туҳфа”) номли китоби бўйича олима Одинахон Муҳаммад Содик томонидан ижоза олишди. Одинахон Муҳаммад Содик сўзга чи-қиб, талаба қизларни бун-дай ютуқ билан табриклиб, мазкур мукофотнинг илмий омонатдорлиги, ўзига яраша масъулияти борлигини таъкидлади-лар.

\*\*\*

4 майда эса Халқаро Ислом академиясида та-лабалар ўртасида Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф раҳимахуллоҳнинг «Ислом тарихи» китоблари асосида «Ислом тарихи билимдони» номли мусобақа бўлиб ўтди. muslimaat.uz раҳба-ри Одинахон Муҳаммад Содик сўзга чиқиб, Ра-суллороҳ соллаллоҳу алай-



ҳи васаллам тарихларидан нутқ сўзладилар. Жумладан, Ислом тарихи омонат эканини айтиб, Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф раҳимахуллоҳнинг илмий фаолиятлари ҳақида гапириб бердилар.

\*\*\*

Муборак Рамазон ойи муносабати билан muslimaat.uz сайти ходималари томонидан бу ой унумли, тартибли, савоб амалларга бой ва гўзал ўтиши учун Рамазон кундалиги тайёрланиб, муслималарга тақдим этилди.

23 майда muslimaat.uz сайти қошида муборак Рамазон муносабати билан аёл-қизлар ўрта-

сида гўзал овоз соҳибала-рини аниқлаш мақсадида ташкил этилган мусобақа-нинг саралаш босқичи бў-либ ўтди. Ушбу мусобақага Республика бўйлаб ишти-рок этиш истагини билдирган аёл-қизлар ташриф буюришиди.

\*\*\*

Шунингдек, «Bolajon» телеканали ва muslimaat.uz сайти ёз фасли бошида қўшма лойиҳага қўл уришди. Эндиликда телеканал орқали эфирга узатилади-ган «Болажонга мактуб» ва «Ақлли планшет» дастурлари матни сайтга ҳам жойланади. Болажонларга қўплаб мавзуларда билим бериб, оламни англашига ёрдам берадиган бу маълумотларни оналар фарзандлари билан бирга мутолаа қилиш имкониятига эга бўлишади.

\*\*\*

9 июнь куни “Хилолнашр” матбаа-нашириётининг анжуманлар залида muslimaat.uz сайти томонидан “Шодлик олиб келдинг, моҳи Рамазон!” номли тадбир кечаси бўлиб ўтди. Унга Ўзбекистон мусулмонлари идорасидан, Тошкент Ислом институтидан, “Хадичаи Кубро” аёл-қизлар Ислом билим юртидан, “Миллий” телеканалдан ва бошқа давлат идораларидан азиз меҳмонлар, шунингдек, muslimaat.uz сайти ходималари яқинлари, сайт қошида ўтказилган “Таран-нум”, “Суратдаги ҳикмат”,



“Сиз Қуръонни биласизми?” ва “Рамазонда кўзгуга боқиб...” номли кўрик-танлов ғолибалари ташриф буориши. Танлов ғолибалари қаторида “Миллий” телеканал ҳамда muslimaat.uz сайти ходимлари ҳам Одинахон Муҳаммад Содик томонидан ташаккурнома ва эсталик совғалари билан тақдирланишиди.

\* \* \*

15 июнда эса «Хадичаи Кубро» аёл-қизлар ўрта махсус Ислом билим юртида 2018–2019 ўқув йили битириувчиларини катта ҳаётга кузатиш муносабати билан «Хатмона – 2019» тадбири бўлиб ўтди. У ерга muslimaat.uz сайти ходимлари ташриф буюриб, хабар ва лавҳалар тайёрлашиди.

\* \* \*

5 июль куни Тошкент шаҳри Чилонзор тумани ҳокимияти биносининг анжуманлар залида “Оила” илмий-амалий тадқиқот маркази Чилонзор тумани бўлими ва muslimaat.uz сайти билан ҳамкорликда-ги туман отинойилари ҳамда туман маҳалла мутахассислари учун “Замонавий, намунали оилани биргаликда яратамиз” шиори остида ўқув-семинари бўлиб ўтди. Тадбирда сўзга чиқкан muslimaat.uz аёл-қизлар сайти раҳбари Одинахон Муҳаммад Содик “Қизбола келгусида келин, турмуш ўртоқ ва

бўлғуси она” мавзусида нутқ сўзладилар.

\* \* \*

6 июлда эса Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф номидаги мажмуанинг анжуманлар залида Тошкент вилоятининг барча отинойилари учун ўқув-семинари бўлиб ўтди. muslimaat.uz сайти жамоаси у ердан ҳам хабар ва фотоловҳалар тайёрлаб, муҳлислар эътиборига тақдим этди.

Шундай қилиб, сайт ходимлари эл-юртни юртимиз ва хорижда бўлиб турган янгиликлардан хабардор этиш, таҳлилий мақолаларни тақдим қилиш, турли саволларга жавоб бериш каби хизматлар билан доим фаолиятда!

**Зуҳрахон ҲАМДАМОВА,**  
muslimaat.uz сайти журналисти

# Бананли коктейл

## Керакли масаллиқлар:

- 2 дона банан
- 200 гр музқаймоқ (музқаймоқ ўрнига қуюлтирилган сут ҳам солиш мүмкін)
- 2 стакан сут
- 1 чой қовиқ ванилин

## Тайёрланиши:

Бананни тұғраб, ҳамма масаллиқлар билан бирга блендрге солиб, 3-5 дақықа айлантирамиз. Кейин ванилин қўшиб, яна 1 дақықа айлантиришда давом этамиз...  
Коктейл тайёр.  
Ёқимли иштача!

